

## Украинада Рамазон ва Қурбон ҳайити нишонланиши мумкин



12:03 / 19.05.2020 1727

**Украинада Рамазон ва Қурбон ҳайитлари давлат байрамларига айланади.** Агар президент Владимир Зеленский шу ҳақдаги фармонни имзоласа, бутун мамлакат Қурбон ва ҳайит байрамларини нишонлайди.

Зеленский бу ҳақда Қрим-татар халқлари вакиллари билан учрашув чоғида айтиб ўтган.

Бундан ташқари, Украина раҳбари Қрим татарларнинг барча муаммоларини ҳал қилиш учун ишчи гуруҳ ташкил этилишини ва Киевда йирик масжид қурилишини эълон қилди. Ушбу лойиҳа Қрим татарлари томонидан амалга оширилади.

Зеленскийнинг қрим-татарлари халқига «Биз сизларни нафақат сўз билан, балки амалда ҳам, қонунчилик даражасида қўллаб-қувватламоқчимиз», деган мурожаатини иқтибос сифатида ОАВда келтирмоқда президент [девони](#).

**Манба: [vz.ru](#)**